Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 134 (6. 025) • 1986 йил 11 июнь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.




# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ—БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

## Бугун—Сергели районида

### Ташаббус шарофати

Районда бунёд этилаётган янги туғруқхонада қурилиш ташкилотларининг кучи етишмаслиги натижасида қурилиш ишлари сусайиб қолган эди. Район учун янги замонавий туғруқхона биноси зарурлигини инобатга олиб корхона ва муассасаларнинг коллективлари унда ҳашар ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу хайрли ишда Тольятти автомобиль заводи меҳнатчиларининг социал, маданий, маиший объектларда тўрт кун ишлаб бериш тўғрисидаги ташаббуси жуда қўл келди. Ошхона ва бошқа мебеллар заводи, 12-автобус парки, район соғлиқни сақлаш бўлими ишчи ва хизматчилари ҳар ҳафта ўз зиммаларига топшириқ олиб, қурилиш ишларини бажаришда қатнашмоқдалар.

Туғруқхона биносини бунёд этаётган 3-қурилиш трестининг 5-бошқармаси коллективлари ва район ҳашарчилари саломатлик муассасасини шу кварталда фойдаланишга топширишга аҳд қилишди. Объектда ҳар куни 250 қурувчи меҳнат қиляпти. Биноларнинг асосий корпуслари қад кўтариб, пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

### Қардошлик намунаси

Сергели райони корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари Чернобиль атом электр станциясида юз берган фалокат оқибатида азият чеккан қардош украин биродарлари билан ҳамдард ва дўст эканликларини намойиш этмоқдалар. Район аҳолиси украин дўстларимизнинг бундан 20 йил муқаддам шаҳримизда зилзила оқибатларини тугатишга қўшган ҳиссасини юксак қадрлайдилар. Дўст бошига ташвиш тушганда унга маънавий далда бўлиш, моддий ёрдам бериш совет кишиларига хос фазилатлардан биридир. Ана шунинг учун ҳам районда чернобилликларга ёрдам қўлини узатаётган коллективлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Бир қатор йирик корхоналарда Чернобиль фондига маблағ ўтказиш мақсадида шанбалик ўтказилди. Бу шанбаликлардан тушган маблағ Чернобиль атом электр станцияси фондига ўтказилди.

243-граждан авиацияси ремонти заводида Л. И. Кашин, А. Н. Пулявин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари айниқса ҳиммат кўрсатди.

3-автомобиль парки коллективи 1600 сўм, қуёшдан тўсқич мосламалари корхонаси минг сўм миқдорида пул ўтказди.

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган шанбаликда Ўрта Осиё қурилиш механизация бошқармасининг коллективи амалга оширган тадбир ҳам салмоқли, ҳам ибратли бўлди. Бу қурилиш муассасаси коллективи ишлаб топилган 5770 сўмни Чернобиль фондига армуғон этди.

### Замонавий магазин

Сергели районида яна бир янги савдо корхонаси— «Универсам»ни савдо ускуналари билан жиҳозлашга киришилди. Бу корхонани республика Савдо министрлигига қарашли «Узторгстрой» трестининг 1-кўчма механизациялашган колоннаси бунёд этди. Қурилиш ишларига бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Универсамнинг умумий майдони 1500 квадрат метрдан иборат бўлиб, унда ранг-баранг озиқ-овқат ва хўжалик моллари билан савдо қилинади. Аҳолига хизмат турини янада кўпайтириш мақсадида универсам ичида катта ошхона, буфет, шарбатлар билан савдо қиладиган бар ҳам фойдаланишга топширилади.

### Аҳоли хизматидамиз

Серқуёш республикамиз пойтахтининг граждан авиацияси корхонаси учувчилари, техниклари ва хизматчилари совет кишиларининг узоғини яқин қилиш мақсадида изланмоқдалар ва намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатимиз коммунистларининг тарихий XXVII съезди қарорларидан илҳомланган мен бошчилиқ қилаётган экипаж коллективи бу йил 200 тонна ёқилғини тежаб қолиш мажбуриятини олган эди. Ҳозир биз бу белгиланган топшириқнинг деярли ярмини бажардик. Иккинчи учувчи Ш. Хошимов, механик штурман М. Цай, борт инженери В. Бисюков «ИЛ—86» ҳаво кемасини бошқариш борасида ўз маҳоратларини кун сайин такомиллаштирмоқдалар, меҳнатда барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришмоқдалар. Биз, граждан авиацияси флотининг учувчилари, бундай ҳаво кемасида хизмат қилаётганлигимиз, минглаб йўловчиларнинг таҳсинига сазовор бўлаётганлигимиз билан фахрланамиз.

**Ғ. САРИМСОҚОВ,**

**Тошкент граждан авиацияси корхонаси учувчиси, «ИЛ—86» самолётининг экипаж командири, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, СССРда хизмат кўрсатган учувчи.**

### Уйлар муборак

Ўтган йили Сергели районида 33 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари бунёд этилиб фойдаланишга топширилган эди. Бу йилги ишлар ҳажми янада салмоқлидир. Аҳоли ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўп— яъни 54 минг квадрат метр ҳажмида янги уй-жой биноларига кўчиб киради.

3-уйсозлик комбинатининг 40-қурилиш бошқармаси ҳар бири 120 квартирали учта уйни жадаллик билан бунёд этмоқда. Унда ҳадемай 400 га яқин оила уй тўйларини ўтказади.

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ўз ишчи-химзатчиларига қулайлик яратиш учун ҳиммат кўрсатди. Корхона учун тўққиз қаватли 240 ўринли янги ётоқхона бунёд этилмоқда. Бунинг учун 600 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Бинони 153-қурилиш трестининг 30-бошқармаси азаматлари бунёд этмоқдалар.

### Яна бир ер ости ўтиш йўли

**Тошкент — Сергели йўлида аҳолига яна бир қулайлик яратилди. «Сергели—2» ва «Сергели —3» массивларини бир-бири билан боғлайдиган ер ости ўтиш йўли бунёд этилди. Юз минг сўм капитал маблағ сарфланган бу иншоотни 7-кўприксозлик трестининг 13-кўприксозлик отряди бунёд этди. Шу кунларда объектда сўнгги қошинлаш ва жилолаш ишлари олиб борилянти. Ер ости ўтиш йўли шу ойдан бошлаб фойдаланишга топширилади.**

# Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Куйбишев район партия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорлари руҳида бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик услубини қайта қуриш ва уларнинг жанговарлигини оширишга доир иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бюро Куйбишев район партия комитети томонидан кейинги вақтда бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликнинг услуб ва методларини қайта қуришга қаратилган қатор тадбирлар кўрилаётганини қайд этди. Район партия комитети уларнинг фаолиятига чуқур ва аниқ кириб бормоқда, уларнинг районни иқтисодий ва социал ривожлантириш, коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини оширмоқда.

Район партия комитети коллегиал органлари мажлисларини тайёрлаш практикасида ишнинг янги формалари пайдо бўлди. Район партия комитети пленумлари, бюро мажлисларини ўтказишдан олдин бюро ҳамда сайланма органларнинг аъзолари мажлисга қўйилган масалаларни олдиндан муҳокама қилиш, бошланғич партия ташкилотларининг жойлардаги фаолиятини ўрганиш учун улар ҳузурига ташриф буюрмоқдалар.

Иш тартиби қайта кўриб чиқилди, район партия комитетида ўтказиладиган кенгаш ва мажлислар сони сезиларли даражада камайди. Коммунистлар билан суҳбатда бўлиш, характеристикаларни партия йиғилишларида ошкора тасдиқлаш қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланади ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда, район партия комитетининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик услуб ва методларини қайта қуриш етарли даражада амалга оширгани йўқ.

Қатор партия ташкилотларининг секретарлари, хўжалик раҳбарларининг фаолиятида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, иш сифатини яхшилаш учун курашга изчил интилиш сезилмайди. Уларнинг аксарияти қайта қуришнинг моҳияти ва талабларини аниқ тасаввур этмайдилар, эски усулда ҳаракат қилишда давом этишяпти.

Район партия комитети барча меҳнат коллективларида шу йил ва ўн иккинчи беш йилликка тиғиз планларнинг белгиланишига эриша олмади, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг планлаштирилган суръатлари ўртача шаҳар кўрсаткичларидан паст бўлиб, жадаллаштириш талабларига жавоб бермайди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари планнинг бажарилишини таъминламаётган, партия ва давлат интизомининг бузилишига йўл қўяётган, ошкора паст планларни қабул қилган раҳбарларнинг фаолиятини ҳар доим ҳам принципиал баҳоламаяпти.

Район партия комитети ходимлари айрим бошланғич партия ташкилотларида узоқ вақт бўлишмайди. Партия ташкилотларининг жанговарлиги кўригига раҳбарликнинг зарур савияси таъминланмаяпти. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси суст яхшиланяпти. Партияга қабул, партия сафларини мустаҳкамлаш ишларида камчиликлар мавжуд.

Назорат ва ижрони текширишни ташкил этишда юзакиликка барҳам берилмаган. Коммунистларнинг танқидий эътирозлари ва таклифлари билан ишлашга етарли даражада эътибор берилмаяпти, айрим социал масалалар диққат-эътибордан четда қолмоқда. Айрим ҳолларда матбуотнинг танқидий чиқишларига зарур муносабат кўзга ташланмайди.

Қатор ташкилотларда жадаллаштириш учун курашда идеологик ва оммавий-сиёсий ишларнинг юксак савияси таъминланмаган, сиёсий ўқув, иқтисодий таълимнинг самарадорлиги паст, атеистик тарбияда ҳужумкорлик етишмайди.

Шаҳар партия комитети бюроси Куйбишев район партия комитетининг эътиборини бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик услубининг суст қайта қурилаётганига, КПСС XXVII съезди қарорларини амалий рўёбга чиқариш учун уларнинг жанговарлиги ва ташаббускорлигини ошириш ишлари етарли эмаслигига қаратди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда район партия комитетига қайд этилган камчиликларни тугатиш, партия ташкилотларининг фаолиятига чуқур кириб бориш, уларнинг иш услуби ва методларини оғишмай такомиллаштириш, партия активига янгиликка интилиш, турғунликка муросасизлик туйғуларини изчил сингдириш таклиф этилди.

Тошкент шаҳар озиқ-овқат саноати корхоналари партия ташкилотларининг маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш бўйича КПСС Марказий Комитетининг талабларини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бюро озиқ-овқат саноати корхоналарининг партия ташкилотлари ўз ишларини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми талаблари руҳида қайта ташкил этмадилар, деб қайд этди.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси (секретари А. Т. Абралов), булка-кондитер комбинати (Х. У. Шоисломов), 2-дон маҳсулотлари комбинати (М. А. Абдурафиқова), «Ўртоқ» кондитер фабрикаси (Л. Ф. Сорокалетов), ёғ-мой комбинати (Б. Т. Нажимов), сут комбинати (Л. И. Земскова) партия ташкилотларида маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш бўйича изчил иш олиб борилмаяпти. Партия ташкилотларининг ушбу масалалар бўйича ташкил этган маъмурият фаолияти устидан назорат комиссиялари бўшанглик қиляпти, улар иши режалаштирилмаган, текшириш натижалари партия ташкилотларида кўриб чиқилмайди. Кўпгина озиқ-овқат саноати корхоналарида талон-тарож қилиш, технология ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳолларига муросасизлик вазияти вужудга келтирилмаган.

Озиқ-овқат саноатининг шу корхоналари ва бошқа корхоналарининг коммунист раҳбарлари «объектив» қийинчиликларни баҳона қилиб, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш учун курашда ташаббус кўрсатишмаяпти, энг муҳими — шахс омилини фаоллаштиришни, ўрта звено раҳбарлари ва мутахассисларига, ишчиларга талабчанликни кучайтиришни, коллектив аъзоларида корхона маркаси шарафи учун масъулият ҳиссини тарбиялашни эътибордан четда қолдирмоқдалар.

Озиқ-овқат саноати корхоналари партия ташкилотлари, коммунист раҳбарларининг ишидаги жиддий камчиликлар, уларга нисбатан район партия комитети эътибор ва талабчанликни бўшаштириб юборганлиги ана шу корхоналарда стандартлар ва техник шартларнинг кўп сонли бузилишларига йўл қўйилишига, уларда ишлаб чиқариш маданияти пастлигига, бракдан катта зарар кўрилаётганига олиб келди. Улар ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таъми ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, шаҳар меҳнаткашларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ушбу корхоналарда амалда ассортиментни янгилаш, эҳтиёж катта бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ҳеч қандай иш олиб борилмаяпти, қадоқланган товарларнинг салмоғи арзимас. Умуман шаҳар озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни безатиш ва товар кўринишини яхшилаш бўйича изчил иш олиб борилмаяпти.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ҳузуридаги «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, меҳнатни илмий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш республика маркази шаҳар озиқ-овқат саноати корхоналарида технология, механизация ва автоматлаштириш даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишга етарли даражада таъсир ўтказмаяпти.

СССР Давлат стандартининг Ўзбекистон республика бошқармаси, Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг товарлар сифати бўйича республика давлат инспекцияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг тегишли хизматлари ва область агросаноат бошқармаларининг коммунист раҳбарлари озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқариш юзасидан ягона сиёсатни ўтказишда зарур қатъият ва принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Шаҳар партия комитети бюроси Тошкент шаҳар озиқ-овқат саноати корхоналари партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тўғрисидаги талабларини амалга ошириш бўйича ишлари етарли даражада эмаслигини қайд этиб, улардан мавжуд камчиликларни зудлик билан тугатишни, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўришни талаб қилди. Ана шу мақсадларда озиқ-овқат саноати корхоналарининг партия ташкилотларига ўзларининг истиқболли ва жорий иш планларини қайта кўриб чиқиш, уларда асосий вазифаларни (бу вазифаларни амалга ошириш қисқа вақт ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради) қайд этиш, бу соҳадаги ишларнинг аҳволи учун цех партия ташкилотларига нисбатан талабчанликни ошириш, маҳсулот сифати учун ўрта звено раҳбарлари ва мутахассисларидан талабни кучайтириш, технология интизомини мустаҳкамлаш, бракдан кўриладиган зарарни қисқартириш, хом ашё ресурсларини иқтисод қилиш учун қатъий кураш олиб бориш, ҳар бир коллективда социалистик мулкнинг талон-тарож қилинишига қарши муросасизлик вазиятини вужудга келтириш таклиф этилди.

Бюро «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, шаҳар радио эшиттиришлари ҳамда шаҳар ва область учун телевизион кўрсатувлар редакцияларининг меҳнаткашларда КПСС XXVII съезди қарорларининг бажарилиши учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда шаҳар оммавий ахборот воситалари иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётининг, партия ташкилотлари фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## Замондошимиз



**Унинг касби тахловчилик. Ҳавас 227-мактабда ўқиб юрган кезларида уйғонган. Ўшанда ёғ-мой комбинатида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилганди. Унга ўқувчиларни ҳам таклиф этишди. Вазира бир маромда айланиб турган конвейерга мароқ билан тикилиб қолди. Уни ушоққина қиз бошқарарди. Қизиқ, нега банкалардаги бўёқлар тўкилиб кетмайди! Нега улар бир маромда чиқади! Хаёлидан кечган бу саволларга шу ерга ишга келганидан сўнг жавоб топди. Тахловчилик сирларини қунт билан ўрганди. Ҳозир у комбинатдаги энг тажрибали ишчилардан бири саналади. Бунинг учун ўзига касб сирларини ўргатган мураббийлардан миннатдор.**

**— Касбнинг ёмони бўлмайди,— дейишганди улар насиҳат қилиб. — Бир жойда муқим ишлаган киши ҳурмат топади.**

**Улар ҳақ бўлиб чиқишди. Вазира Аҳмедова касбини эъзозлаш туфайли улғайди, элга танилди. Меҳнатдаги муваффақиятлари учун бир неча марта Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ҳозир унинг олдига ишчи ва хизматчилар таклиф ва илтимос билан келишади. Ҳамза район Советининг депутати сифатида уларнинг оғирини енгил қилиш тадбирларини кўради.**

**У ҳали ёш, ўқиб-ўрганяпти. Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг кечки бўлимининг иккинчи курсида таълим олмоқда. Айни пайтда корхона ютуқларини бойитишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.**

**Т. Каримов** фотоси.

## Тонгги газеталарда

● Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида қатнашувчи совет делегациясининг аъзолари 10 июнь куни Москвадан Будапештга жўнаб кетди ва шу куни Венгрия пойтахтига етиб келди. Дўстлик визити билан Венгрияда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев совет делегациясига бошчилик қилмоқда.

Бугун тонгги газеталарда ана шу ҳақда хабар ва Будапештда иш бошлаган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

## Қардошлик қонунига биноан

### Чин қалбдан ҳамдардмиз

**Чернобилдаги авария ҳақида хабар қилинганидан кейин СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасида дарҳол телефон қўнғироқлари жиринглади. «Ёрдам беришни истаймиз. Пулни қаерга жўнатиш мумкин!» Корхоналар ва ташкилотлардан, тошкентликлар ва бошқа областларнинг аҳолиси телефон орқали шундай саволлар билан мурожаат қилишарди.**

**Ўшанда республика конторaси ходимларида бундай информация йўқ эди. Қўнғироқ қилувчиларга кутиб туриш кераклигини айтиб, ўзлари Москвага қўнғироқ қилдилар. Шундан кейин тез орада 904 -сон махсус счёт очилганлиги, пулни исталган район бўлимидан ўтказиш мумкинлиги маълум бўлди.**

**... Тошкент шаҳар давлат банки конторасининг катта зали. Бу ерга чернобилликларга ёрдам фондига ўз жамғармаларини ўтказиш истагини билдирган кишилар келмоқдалар. Фонд счётини пенсионер Антонина Михайловна Вельке оз бўлсада, лекин чин қалбдан топширган жамғармаси билан очди.**

**Банкда кишиларнинг таржимаи ҳоли, оиласи ва иш жойлари суриштирилмайди. Лекин бухгалтер Маъмура Яҳёева бу кишиларнинг ҳаммасини яхши эслаб қолди:**

**Икки йигит 30 сўм пул узатиб, фондга қўшишни илтимос қилишди. Улардан бу пул кимнинг номидан, деб сўраганида улар: «Ёзиб қўйинг, Тошкент давлат медицина институти даволаш факультетининг 308-группаси» деб жавоб беришди. Валентина Шейко давлат 4-лойиҳа институтидан шу коллективнинг бир кунлик иш ҳақи— 1134 сўмни олиб келди.**

**Чернобиль атом электр станциясида юз берган авария оқибатларини тугатиш фондига янги-янги маблағлар келиб қўшилмоқда. Тошкент шаҳар конторасида одамлар ва ташкилотларнинг адреслари кетма-кет ёзиб турилибди: «Узэлектромонтаж» махсус трести, В. И. Ленин номидаги электрон техника заводи, Давлатовлар оиласи, Полина Яковлевна Холуденкова... бундай ёзувларни яна кўплаб келтириш мумкин.**

**Ҳаммангизга раҳмат, азиз дўстлар!**

**Н. ШУЛЕПИНА,**
**ЎзТАГ** мухбири.



**Чернобиль атом электр станцияси: воқеалар хроникаси.**
**СУРАТДА: биринчи реактор цехининг смена бошлиғи В. Гладенко реактор тепасида радиацион ҳолатни назорат қилмоқда.**

**ТАССнинг махсус фотомухбири М. Зуфаров фотоси.**

### Маҳалладошлар ҳиммати

**Кўплаб ҳамшаҳарларимиз қатори бизнинг Сарикўл маҳалла аҳли ҳам Чернобиль АЭСи ёрдам фондига ўзининг камтарона улуши билан ҳисса қўшди. Пиру бадавлат отахон, 14 фарзандни тарбиялаб вояга етказган Файзулла ота Хакимжонов 17 сўм, 90 ёшли Ғофур ота Одилов 14 сўм, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Рашид Бекмуҳамедов 10 сўм, Абдулла Қосимов 25 сўм, Маҳкам Рустамов 10 сўм, Жамила Садиқориева 10 сўм ва бошқаларнинг беғараз ёрдами туфайли жами 300 сўм пул 01 ва 28-рақамли квитанциялар орқали ёрдам фондига ўтказилди.**

**Н. АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Ленин районидаги Сарикўл маҳалла комитетининг раиси.**

## Тажриба алмашдилар

«Миконд» заводида сиёсий маориф кабинетлари мудирларининг шаҳар доимий семинари навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда маркса-ленинча таълим системасида КПСС XXVII съезди материалларини ўрганиш бўйича якунловчи машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг форма ва методлари муҳокама қилинди.

«Миконд» заводининг бош директори, партия-хўжалик активи мактабининг раҳбари Х. Н. Тожиев, 8-цех катта мастери, коммунистик меҳнат мактаби пропагандисти Н. И. Марковская, бош технолог ўринбосари, марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти Ю. М. Липовой, завод партия маорифи кабинетининг мудири Т. М. Горина якунловчи машғулотларга олиб борилаётган тайёргарлик ҳамда иш тажрибалари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Марксча-ленинча таълимнинг турли формалари самарадорлигини ошириш, якунловчи машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни юксак ғоявий-сиёсий савияда, барча тингловчиларнинг актив иштирокида ўтказиш масалалари бўйича тажриба алмашдилар.

MEXICO 86

## Сўнгги соатда

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

**КЕЧА**

яна бир группада чемпионлик учун даъвогарлик қилувчи икки команда маълум бўлди. Мехикода ўтган Болгария ва Аргентина терма командалари беллашуви 0:2 ҳисобида лотин америкаликлар ғалабаси билан якунланди. Ўтган жаҳон биринчилиги ғолиби Италия терма командаси билан Жанубий Корея футболчилари ўртасидаги кураш 3:2 ҳисобида чемпионлар фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, Аргентина ва Италия терма командалари нимчорак финал ўйинларида курашни давом эттиришади.

**БУГУН**

Мексика — Ироқ, Бельгия — Парагвай, Марокаш — Португалия, Польша— Англия терма командалари ўртасида жаҳон биринчилиги учун дастлабки босқичнинг ҳал қилувчи ўйинлари бўлиб ўтади.

